

## ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА НИСБАТАН ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ: ҲУҚУҚИЙ НАЗАРИЯ ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

**Ўтапов Фурқат Исламович**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент  
вилояти бўйича бошқармаси масъул ходими*

*E-mail: [utapov.furkat@mail.ru](mailto:utapov.furkat@mail.ru)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада индивидуаллаштириш воситалари ичида энг кўп ҳуқуқий муомилада бўладиган товар белгиларига нисбатан параллел импорт билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар ёритилган. Хусусан, бунда “ҳуқуқларни тугаши”, “биринчи сотув доктринаси” каби ҳуқуқий тушунчалар, уларнинг мазмуни, шунингдек параллел импорт турлари, уларни қўллаш тартиби бўйича алоҳида давлатлар ва минтақалар (иттифоқлар) юзасидан фикрлар ҳамда таҳлиллар билдирилган. Мақолада, шунингдек муаллиф томонидан товар белгиларига нисбатан параллел импорт тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий-назарий хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар.** интеллектуал мулк, товар белгиси, параллел импорт, “биринчи сотув доктринаси”, “ҳуқуқларни тугаши”, божхона органлари, ТРИПС битими.

## PERSECCIONES PERSONALES DE DATOS Y DERECHO DE AUTOR: TEORÍA Y PRÁCTICA

**ЎТАПОВ Фурқат Исламович**

*Ответственный сотрудник управление*

*Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан по  
Ташкентской области*

*E-mail: [utapov.furkat@mail.ru](mailto:utapov.furkat@mail.ru)*

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются правовые вопросы, связанные с параллельным импортом товарных знаков, которые являются наиболее часто используемым средством индивидуализации. В частности, сформулированы и проанализированы такие правовые понятия, как «исчерпание прав», «доктрина первой продажи», их содержание, а также виды параллельного импорта и порядок его применения в отдельных



странах и регионах (союзах). В статье автор также сделал научно-теоретические выводы по вопросам, связанным с совершенствованием соответствующих правовых норм параллельного импорта в отношении товарных знаков.

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, товарный знак, параллельный импорт, «доктрина первой продажи», «исчерпание прав», таможенные органы, соглашение ТРИПС.

Бугунги кунга келиб ахборот коммуникация тармоқларининг кенг ривожланиши кўплаб моддий объектларнинг ҳам у ердаги муносабатига нисбатан янгича қоидаларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, жаҳондаги иқтисодий интеграциялашув жараёнлари ҳам интеллектуал мулк объектларига нисбатан қоидаларни янгича тартибда кўриб чиқиш лозимлигини таъкидламоқда. Айниқса, бу жараён индивидуаллаштириш воситаларидан бири саналган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари билан боғлиқ муносабатларда турлича қоида ва амалиётни қўллашни тақозо этмоқда. Айниқса, интеллектуал мулк объектнинг маълум бир қисми ҳисобланган товар белгиси бўйича иқтисодий қўламда, яъни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўртасида бир қатор муаммоли вазиятлар юзага келмоқда ва улар ҳамон ўз ечимни кутмоқда<sup>8</sup>.

Авалло товар белгиси тушунчасига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига кўра, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (кейинги ўринларда – товар белгиси) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир<sup>9</sup>. Қонунга кўра, товар белгилари яқка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг салмоқли қисмини миллий маҳсулотлар экспорти ташкил этади. Маълумки, маҳсулот ва хизматлар ўз брендининг машҳурлигига асосланади. Шу сабабли, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари, брендлари истеъмолчилар томонидан тан олинган ва юқори баҳоланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича фаол

<sup>8</sup> Рузиев, Б. Проблема параллельного импорта в защите объектов интеллектуальной собственности. Обзор законодательства Узбекистана, (2), 42–45.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925>



ишламоқда. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг товар белгилари (брендлари) ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга<sup>10</sup>.

Ўзбекистонда ҳам миллий брендларимиз асосидаги маҳсулотлар экспорти ва уларни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–393-сон қарори<sup>11</sup> ҳамда унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 9 мартдаги 99-сонли қарори билан тасдиқланган Халқаро брендлар товарларининг айрим турларини бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари (расмий дистрибьюторлар, дилерлар, ишлаб чиқарувчиларнинг савдо вакиллари ва уларнинг дистрибьюторлари, лицензиатлари) билан тузилган тўғридан-тўғри шартнома асосида импорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–1913-сон қарорини<sup>12</sup> келтириш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юқоридаги Низомда халқаро бренд тушунчасига қуйидагича таърфи берилган:

“Халқаро бренд — бу глобал миқёсда ягона стратегик тамойилларга асосланган, маълум бир ишлаб чиқарувчи (ҳуқуқ эгаси) товарларини индивидуаллаштириш учун мўлжалланган ва улар бренди остида сотиладиган ҳамда савдога қўйиладиган бренд товар;


Халқаро бренд Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Глобал бренд маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган бўлиши ва қуйидаги дунё

<sup>10</sup> Abdugopirovich Y. A. Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT). – 2021. – Т. 12. – №. 4. – С. 1068-1073.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2022 й., 07/22/393/1146-сон. <https://lex.uz/docs/6235546>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–1913-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 06/19/5684/2708-сон. <https://lex.uz/docs/2132349>





минтақалари (давлатларидан) камида иккитасининг чакана савдо интернет ресурсларида (сайтларида) иштирок этиши лозим: Шимолий Америка, Европа, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари”<sup>13</sup>.

Бугунги кунда маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни кечмоқда. “Маълумки, ЖСТ жаҳон иқтисодий тизимидаги халқаро глобал ташкилот ҳисобланиб, жаҳон савдосининг 90 фоизидан ортиғи айнан ЖСТ доирасида олиб борилмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда”<sup>14</sup>. Бу борада Ўзбекистон олдида интеллектуал мулкнинг ҳимояси билан бир қаторда товар белгиларига доир параллел импорт билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди.

“Параллел импорт деганда, товар белгиси эгасининг рухсатисиз асл ва муҳофазага олинган товарларнинг мамлакат ҳудудига эркин кириши тушунилади. Бунда товарлар импорти унинг эгаси, унинг ваколатли импорт қилувчилари ёки расмий дистрибьюторлари томонидан эмас, балки бошқа шахслар томонидан амалга оширилади. Параллел импорт қилишнинг иккита асосий нуқтаси бор. Биринчидан, параллел импорт қилинадиган товарлар контрафакт ҳисобланмайди; иккинчидан, бу жараён товар белгиси эгасининг (интеллектуал мулк ҳуқуқи эгаси) рухсатисиз содир бўлади”<sup>15</sup>.

“Параллел импорт халқаро савдонинг энг муҳокамали жиҳатларидан биридир. Бир томондан, у бозор қонунларига қатъий риоя қилади, бироқ, бошқа томондан, ушбу фаолият турига фақат бозор қонунлари тааллуқли эмас”<sup>16</sup>.

Мазкур фикрни ривожлантирган ҳолда айтиш лозимки, параллел импортни қўллаш юзасидан жаҳон мамлакатларида ягона йўналиш мавжуд эмас. Шунингдек, фикримга кўра, параллел импорт деганда, товар белгиси эгасининг рухсатисиз “биринчи сотув доктринаси”дан кейин маҳсулотларнинг мамлакатга эркин (бепул) кириши тушунилади. Товарларни олиб кириш бу

---


<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.03.2023 й., 09/23/99/0133-сон. <https://lex.uz/docs/6401789>

<sup>14</sup> Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.

<sup>15</sup> <https://uzbekistanlawblog.com/what-are-the-benefits-of-ex-officio-for-uzbekistan-and-the-concept-of-parallel-import/#:~:text=Parallel%20importation%20refers%20to%20the,distributors%20but%20by%20other%20persons>

<sup>16</sup> Макарова О.Н., Кузенкова Е.С., Мартыненко О.В. Управление параллельным импортом и его влияние на цены. международный опыт // Экономика и экологический менеджмент. 2022. №4.





ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли ҳамкорлари ёки расмий дистрибьюторлари томонидан эмас, балки бошқа ҳар қандай шахслар томонидан товарларни реализация қилинишини тушунамиз. Товар белгиларига нисбатан параллел импортни тартибга солиш ва уни қўллаш юзасидан божхона органлари ваколатли саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига биноан, божхона органлари ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун божхона органлари:

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриши;

интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкин<sup>17</sup>.

Юқоридаги нормадан кўриниб турибдики, ҳуқуқ бузилган ҳолда олиб кириладиган товарларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш ваколати берилган. Хўш бунда параллел импорт қандай тартибга солинади. Миллий қонунчилигимиз нима дейди бу борада? Товар белгиларига доир Ўзбекистон қонуни 26-моддасида “товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилишлиги белгиланган<sup>18</sup>. Ушбу моддадаги “олиб кириш” ва “рухсат берилмаган тарзда” тушунчаларига аниқлик киритиш талаб этилади. Одатда биз товарни сотиб олганимизда уни пулини тўлаш орқали “биринчи сотув доктринаси”ни юзага келтирамиз.

Параллел импорт орқали олиб кириладиган товарлар барча лицензияларга, сифат сертификатларига эга ва божхонада декларация қилинади. “Оқ” товарлардан ягона фарқи – бу ишлаб чиқарувчининг расмий рухсати йўқлиги, бунда ЖСТ қоидаларига ҳеч қандай қарама-қаршилик юзага келтирмайди, у эксклюзив ҳуқуқларни тугаши тамойилига асосланади. АҚШ,

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. <https://lex.uz/docs/2876354#2885778>

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925>



Буюк Британия, Канада, Бразилия, Туркия ва 2022 йил 30 мартдан бошлаб Россия каби мамлакатлар ундан фойдаланмоқда<sup>19</sup>.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида параллел импорт тарафдорлари ва унга қарама-қаршилар юзасида турли қарашлар ҳамда назариялар мавжуд. Эътиборлиси, ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб уни қўллаш ёки қўлламасликни белгилайди.

Масалан, Хитой қонунчилигида товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг тугаши тўғрисидаги аниқ қоидалар йўқ, бу эса судларга қонунни “миллий савдо манфаатлари” фойдасига талқин қилиш имкониятини беради<sup>20</sup>. Бразилияда ҳам параллел импорт ўзига хос хусусиятга эга. Судлар, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси товарларни мамлакат ҳудудида тарқатишни таъқиқлаган ёки эксклюзив лицензияни назарда тутувчи шартнома тузган бўлса, товарларни параллел олиб киришни таъқиқлайди<sup>21</sup>.

Фикримизча, Ўзбекистон олдида параллел импорт юзасидан ягона қарорга келиш борасида ЖСТнинг ТРИПС битимидан келиб чиқиш керак. Бундан ташқари, албатта миллий манфаатларимиз биринчи ўринда бўлиши лозим. Хусусан, ТРИПС битимининг 51-моддасида божхона органлари томонидан маҳсулотларни муомилага киритишда (олиб киришда) тўхтатиш ваколатига тўхталиб ўтилган. Мутлақ ҳуқуқлари бузилган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда тайёрланган товарлар юзасидан ҳуқуқ эгасида шубҳа пайдо бўлганда, товар белгиси мутлақ ҳуқуқлари эгаси ваколатли органга ёки суд органларига товарларни муомилага киритишда божхона органлари томонидан уларни тўхтатиб туришга доир мурожаат қилиш ҳуқуқини беришни назарга тутган. Шунингдек, ушбу модда нафақат импорт қилинаётган балки экспорт қилинаётган товарларга нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширишни ЖСТга аъзо давлатларга тавсия этган<sup>22</sup>.

Бугунги кунда мамлакат ташқи савдо айланмасида “параллел импорт” (параллел импорт – ҳуқуқ эгасининг розилигисиз асл интеллектуал мулк объектларини мамлакат ичкарасига импорт қилиниши) ҳажмининг катта улушга эга бўлишини таъминлайди. Бу ўз навбатида, мамлакатнинг

<sup>19</sup> Dao-ZhiZeng, BiyueZhang. Parallel import in large developing countries // Springer. 2020. стр. 509-526.

<sup>20</sup> Нырова Н. «Параллельный импорт - за и против» // Журнал «ИС. Промышленная собственность», № 7, 2007. Ст. 4 – 18.

<sup>21</sup> Гхош Шубха Имплементация доктрины исчерпания прав: выводы, основанные на национальном опыте // Торговая политика (Trade policy), 2015. № 4/4.

<sup>22</sup> Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. [https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt\\_wto01\\_001ru.pdf](https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf)



инвестицион жозибаторлигига жиддий таъсир қилади. Бунинг натижасида жаҳоннинг машҳур корхоналари ўзларининг товарларини Ўзбекистон бозорига таклиф қилмайди ҳамда ўзининг машҳур товар брендини ҳимояланишига ҳеч қандай кафолат йўқлигига ишонади<sup>23</sup>.

Ўзбекистонда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспортга йўналтирилаётган миллий маҳсулотларимизни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазасини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро нормалар ва ЖСТнинг ТРИПС битими нормаларидан келиб чиққан ҳолда параллел импортга доир ягона тартибини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳат айна Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик жараёнидаги миллий қонунчилигимизга ТРИПС битими нормаларини уйғунлаштиришда муҳим аҳамият касб этади<sup>24</sup>.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Рузиев, Б. Проблема параллельного импорта в защите объектов интеллектуальной собственности. Обзор законодательства Узбекистана, (2), 42–45.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925>

3. Abdugopirovich Y. A. Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT). – 2021. – Т. 12. – №. 4. – С. 1068-1073.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал кўшилган қиймат занжирларига кириши учун кўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2022 й., 07/22/393/1146-сон. <https://lex.uz/docs/6235546>

<sup>23</sup> У.Нурматов. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини божхона органлари томонидан аниқлаш амалиётини такомиллаштириш. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil.

<sup>24</sup> Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.



5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–1913-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 06/19/5684/2708-сон. <https://lex.uz/docs/2132349>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.03.2023 й., 09/23/99/0133-сон. <https://lex.uz/docs/6401789>

7. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.

8. <https://uzbekistanlawblog.com/what-are-the-benefits-of-ex-officio-for-uzbekistan-and-the-concept-of-parallel-import/#:~:text=Parallel%20importation%20refers%20to%20the,distributors%20but%20by%20other%20persons>

9. Макарова О.Н., Кузенкова Е.С., Мартыненко О.В. Управление параллельным импортом и его влияние на цены. международный опыт // Экономика и экологический менеджмент. 2022. №4.

10. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. <https://lex.uz/docs/2876354#2885778>

11. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925>


12. Dao-ZhiZeng, BiyueZhang. Parallel import in large developing countries // Springer. 2020. стр. 509-526.

13. Нырова Н. «Параллельный импорт - за и против» // Журнал «ИС. Промышленная собственность», № 7, 2007. Ст. 4 – 18.

14. Гхош Шубха Имплементация доктрины исчерпания прав: выводы, основанные на национальном опыте // Торговая политика (Trade policy), 2015. № 4/4.







15. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности.

[https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt\\_wto01\\_001ru.pdf](https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf)

16. У.Нурматов. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини божхона органлари томонидан аниқлаш амалиётини такомиллаштириш. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil.

17. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.

18. Юлдашов, А. (2020). Важность международных рейтингов и индексов в области интеллектуальной собственности. Обзор законодательства Узбекистана, (3), 117–119. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/uzbek\\_law\\_review/article/view/1870](https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/1870)

